



**ИШ  
ЎРИНЛАРИ  
СИЗГА  
МУНТАЗИР**

2-бет

**ЎЗБЕК  
АДИБЛАРИ —  
«ОҚШОМ» УЧУН**

3-бет



**КИЧКИНА  
ҚУШЧАНИНГ  
КАТТА  
ТАШВИШЛАРИ**

6-бет



**БОЛАЛАР  
СПОРТИ.  
ФОЛИБ  
АНИҚЛАНДИ**

8-бет

ЧОРШАНБА



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 113 (9.916)

2003 йил 11 июнь

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

□ **МАМЛАКАТИМИЗДА** компьютерлаштириш, масофадан ўқитиш тизимини йўлга қўйиш дастурининг ilk қадами КЕЧА Хамза туманидаги 145-мактабда амалга оширилди. Унда АҚШ элчихонаси ҳамда ЮСАИД агентлиги мактабнинг информатика синф хонасига 12 та замонавий компьютерларни тақдим этди.

□ **ЯНА** икки кундан сўнг Хамза туманидаги «Жўрабек» маҳалласида «Санвикт» ногирон болалар илмий тадқиқот бадиий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** пойтахтимиз ҳудудида майна кушларининг қўлайиб кетиши оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларига ва табиат бойликларига қушлар томонидан зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

□ **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Еш фазогирлар» беллашуви Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда шаҳар техника ижодиёти маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** халқ рассоми, уста кулол Акбар Раҳимов уй-музейида ташкиллаштирилган тadbирда япониялик санъат соҳаси мутасаддилари иштирок этишди. Ва хорижликлар Раҳимов асарлари кўргазмасидан баҳраманд бўлишди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** олий ўқув юртлири талабалари ижросида ташкиллаштирилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танловининг республика bosқичи бўлиб ўтди.

□ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги маданият ва истироҳат боғида қадимий татар миллий байрами «Сабантўй» бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган «BAXT-BIOL» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси бугунги кунда 20 хилдан ортик турдаги мазада, хушбўй, сифатли ҳамда чиройли қадоқланган музқаймоқлар билан ҳамюртларимизни манун қилмоқда.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) ёш, тиришқоқ ишчилардан Гули Ҳакимбекова ва оператор Ақида Бикиевалар иш устида.

Сергей Любчик олган сурат.

## АҚШНИНГ ЯНГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдеворида биринчи гишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги биносини қуриш тўғрисидаги битим мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ўтган йил март ойида АҚШга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. 2002 йил майда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тadbirkорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан АҚШ элчихонаси ўртасида пойтахтнинг Юнусобод даҳасидаги 4,5 гектарлик майдонни харид қилиш тўғрисидаги битимга қўл қўйилди.

2006 йил январида маэкур ҳудудда янги элчихона мажмуи қад ростлади. У етти бинодан иборат бўлади. Мажмуада котибиат, омборхоналар, хавфсизлик таъминоти бўлими, автомобиль тўхташ жойи каби иншоотлар жойлашади. Амалга ошириллажақ ишларнинг кулами хақида тасаввур ҳосил қилиш учун биргина котибиат биноси 11 миң квадрат метр жойни эгаллашини айтиш kifвоа.

Дизайни АҚШнинг Hellmuth Obata + Kassabaum метъморлик компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги мажмуада шарона услублар ҳам кенг аксини топади. Бу эса ўз навбатида мажмуани ён-атрофдаги бинолар билан уйғунлаштирибгина қолмай, пойтахтимиз чиройига чирой қўшади. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун АҚШнинг J.A.Jones Construction компанияси таклиф

этилган. Мажмуа қурилишида, шунингдек, Туркиянинг «Айсел» компанияси иштирок этади.

Янги мажмуага 56 миллион АҚШ доллари сарфланади. Шуни алоҳида айтиш кераки, қурилиш ишларида хориждан келтирилган материаллар билан бир қаторда, маҳаллий ашёлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Мажмуа пойдеворидаги биринчи гиштни қўйиш маросимида сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Жон Хёрбст, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, элчихона янги биносининг барпо этилиши ҳам бунга яққол мисол бўлишини таъкидлади. Элчининг айтишича, янги мажмуа мамлакатларимизнинг кундан-кун кенгайиб бораётган алоқаларини янада ривожлантириш, стратегик ҳамкорлик ришталарини мустахамлаш, АҚШ дипломатик миссиясининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Ж.Хёрбстининг сўзларига караганда, янги мажмуа фойдаланишга топширилгач, АҚШ элчихонасининг мамлакатимиздаги ходимлари сони қарийб икки баробар қўлаяди. Бу эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик хақиқатан ҳам жадал ривожланаётганининг яққол белгисидир.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

(ЎЗА)

## XXI сағоси

Барча маблардан олдинг сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Қишлоқ ва сув хўжалиги ваэирлигида бўлиб ўтган сим орқали кенгашда 2003 йилги галла ҳосилини уюшқоқлик билан тез ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш масаласи атрофлича муҳокама этилди.

• Тошкент вилоятининг Зангиота туманида Германиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналарда ноширлик маҳсулотлари ва рангли этикеткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мистер-принт» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.

• Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан куриб битказилган катта теннис корти ва болалар сузиш хавзаси фойдаланишга топширилди.

• Гулистонда болалар ва ўсмирлар учун янги спорт мажмуи очилди.

• Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида шу йилнинг беш ойи мобайнида 205,2 миң тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 193,2 миң тонна тайёр металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми ҳам ошди.

• Наманганлик пиллачлар давлатга 1616 тонна «кумуш тола» топшириб, шартномавий режани бажардилар. Хар кути курт уругидан 52 килограмдан юқори сифатли пилла етиштирилди.



### Жаҳонда

• Польшада мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 60 фоизи иштирок этган референдумда Польша халқи мамлакатнинг Европа Иттифоқига киришини ёқлаб овоз берди.

• «Новоси» аэборот агентлигининг хабарига кўра, Грузия раҳбарияти БМТнинг уч нафар кузатувчиси ва битта таржимонини гаровга олган номаълум кимсалар билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирди.

• Косовода АҚШ халқаро тинчликпарвар кучларига тегишли бўлган «Ан-64» ҳарбий вертолётни ҳалокатга учради. Натижада икки нафар учувчи ҳаётдан кўз юмди.

• Атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ инспекторлари Ироққа яна қайтиб келишди. Улар кимёвий, биологик куроллар, радиоактив моддалар жойлашгани гумон қилинаётган манзилларни жиддий текширувдан ўтказадилар.



## «БАРКАМОЛ АВЛОД — 2003»

### Югуриш йўлкасида — кучлилар

Ўтган уч кун давомида Андижондаги янги замонавий стадионда енгил атлетиканин 28 та тури бўйича «Барқамол авлод-2003» спорт ўйинлари доирасида барча вилоятлар жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақаларда энг кўп — 120 та медаль ўз эгаларини топди. Мусобақаларда ҳамшаҳарларимиз ҳам кўплаб юқори натижаларга эришилди. Жулдан, Камолдин Рўзимухамедов уч ҳатлаб сакрашда 14 метру 62 сантиметр, баландликка сакрашда 1 метр 85 сантиметр натижа-

ларни кўрсатган ҳолда иккита олтин нишонини қўлга киритди. Анна Норматова ҳам 100 метрга тўсиқлар оша югуришда 16.0 сония вақт кўрсатиб 150 сантиметр баландликка сакраган ҳолда икки бор ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Шунингдек, Родюн По-

пов 400 метрга югуришда, Евгений Нахимов эса 400 метрга тўсиқлар оша югуришда фолиблар сафини бошқаришди. Павел Попов эса юқоридаги хар икка-ла тур бўйича кумуш ва бронза нишонларига эга бўлди.

Ўсирилариимиз 4 марта 100 метрдан ва 4 марта 400 метрдан

эстафета югуришларида ҳам фолиб чиққан ҳолда яна сақизта олтин медаллар эгалари бўлишди.

Шундай бўлса-да умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Тошкент вилояти енгил атлетикачилари эгаллашди. Кейинги ўринларни эса Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри спортчилари банд этишди.

Фолиб жамоаларга ташкилий қўмита номидан Кубок ва дипломлар топширилди. Шунингдек, Асака шаҳри ҳокимлиги таъсис этган қимматбаҳо совғалар — телевизор ва магнитофонлар тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**Саноат**

**СИФАТГА ЭЪТИБОР**

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» акционерлик жамияти жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдига ният қилиб қўйган.

Корхона бундан уч йил аввал банкрот деб эълон қилинган эди. Лекин берилган имкониятдан тadbиркорлик билан фойдаланган жамоа ахли ўтган йилни 15 миллион сўм фойда билан яқунлаб, ўзини тиклаб олишга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилни эса улар катта давлат буюртмасини бажаришни зиммаларига олган ҳолда муваффақиятли бошладилар. Албатта, бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш лозимлиги доимо эътиборда.

Шунингдек, яқинда «Ёшлик» тикучликлари нефтчилар учун маҳсулот иш кийимлари тикишни бошлаб юборишди. Чунки 50 мингта ана шундай маҳсулот тайёрлаш учун шартнома имзоланиш арасида турибди. Яна шуниси қувонarliки, корхона цехларини янги замонавий тикув машиналари билан жиҳозлаш ҳам режалаштирилган. Албатта, бу маҳсулот сифатининг ортиб, турлари кўпайишига ҳам муҳим ҳисса бўлади.

**Тadbиркорлик**

**СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ ҲАМ**

Шаҳримиздаги «Тошкент-Центер» кўшма корхонаси жамоаси ўз зиммасига яна бир масъулият юмушини олди.

Маълумки, Республика Вазиrлар Маъжасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой фондларини сув ва газ ҳисоблагичлари билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга муҳим ҳисса қўшаётган «Тошкент-Центер» кўшма корхонаси тadbиркорлари ўтган йилдан бошлаб сув ўлчаш жиҳозлари тайёрлаш билан бирга, уларни хонадонларга ўрнатиш ишларида фаол катнашишни ҳам йўлга қўйишган эди.

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб эса «Сувсоз трести» унитар корхонаси билан тузилган шартномага кўра жамоада маҳсулот ўрнатиш-пайвандлаш бригадалари ташкил этилиб, улар шахримиз туманларидаги хусусий ва кўп қаватли хонадонларга ўзлари ишлаб чиқарган сув ҳисоблагичларни ўрнатиб беришмоқда. Шу кунга қадар корхонада ишлаб чиқарилган ана шундай жиҳозларнинг 10 мингтаси хонадонларга ўрнатилди. Йил охиригача 100 мингтадан ортиқ сув ҳисоблагичлар ўрнатиш режалаштирилган.

**ТЕЖАМКОРЛИККА ҲИССА**

«Алтромарк» Ўзбекистон — Австрия кўшма корхонасида жорий йил бошидан тайёрланаётган янги маҳсулот — сифатли ва рақобатбардор газ ўлчagичлар 30 мингтага етди.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида харидоригр маҳсулот ишлаб чиқариш, шу билан бирга унинг турларини талаблар даражасида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ана шунга амал қилган корхона тadbиркорлари янги цех ташкил этиб, уни Франциядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашди. Ана шу цехда жорий йилда 60 мингта газ ҳисоблагичлар чиқариш кўзда тутилган.

Тежамкорликда фойдаси тажрибада синалган бундай ҳисоблагичларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги истeъмолчига ҳам, етказиб бeрyвчига ҳам ҳар томонлама қулайдир.

Дилноза ФИЁСОВА

Шу сабабли, кичик ва ўрта тadbиркорликини ривожлантириш мамлакатимиз ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесини том маънода ривожлантиришга мустақилликка эришилгандан сўнг кирдирилди. Чунки, мамлакат тараққиётининг бош омилли сифатида кичик ва ўрта бизнес ва тadbиркорликини ривожлантириш муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифа қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти кичик бизнес ва тadbиркорликини ривожлантириш аҳамиятини шундай изоҳлайди: «Кичик бизнес — жамиятда ҳам, иқтисодиётда ҳам сиёсий вазиятни муътадиллаштиришга ёрдам бeрадиган ўрта тadbиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу — республика бозорини зарур истeъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу — янги иш ўринларидир».

Агар биз аҳолининг асосий қисми йирик корхоналар куриш имконияти бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишни инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш юртимизда нақадар зарур аҳамият касб этишини англаб етишимиз қийин эмас.

Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Агар биз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, барча замонларда ҳам халқимизнинг дунёқараши, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзида хусусий тadbир-

корлик билан шугулланишга интилиш доим кучли бўлганлигини кўрамиз.

Бизнинг минтақамизда азал-азалдан хунармандчилик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кўл-кўлчилик, амалий санъат, темирчилик, ўймакорлик билан шугулланадиган кичик-кичик

нима бeрар экан деб ўтирмасдан, даромад топишга ҳаракат қилса, қумирлаб турса. Зеро, одам ўзини боқа олсагина бой бўлади. Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади».

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес,

Бунинг натижасида 2002 йил мобайнида 38 мингта яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар тузилди, уларнинг умумий сони 240 мингтага етди. Тadbиркорликини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингта янги иш ўринлари очилди.

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда ҳам, даставвал кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётда тугган ўрнига алоҳида аҳамият бeрилган. Бизда ҳам, чет давлатлардаги каби кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамиятли томонлари эътиборга олинди, янги иш жойлари ташкил этилишига, иқтисодий ўсиш суръатларини белгилашга, кичик бизнес билан шугулланувчи оилалар иқтисоди мустақамланишига, маҳаллий бюджетнинг мунтазам таъминлаб турилишига, ходимлар тақсимоти жой-жойига қўйилишига, ишсизликнинг олди олинишига ҳамда ишторкчиларнинг қўшимча маош билан таъминлиб турилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Агар биз, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш билан бирга, ёшларни ишга жойлаштириш ва ҳунар ўргатишни йўлга қўйиш узулқисиллигини таъминлай олсак, яъни пишик-пuxта ишлаб чиқилган механизмни йўлга қўя олсак, тез орада ҳақиқий тadbиркорлик тузилмалари шаклланишига катта йўл очилади.

**Равшан БОТИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият курилиши акадeмияси тингловчиси.

**• ИҚТISODIЁТ**

**Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш — давр талаби**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохларнинг пировард мақсиди иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил яхшилаб бeришга эришишни иборат. Ушбу мақсадга эришишда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

устaxона ва дўконлар кўп бўлган. Аҳолининг асосий қисми шу касб-хунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан авлодга ўтиб келган. Шунинг учун бўлса керакки, бугунги кунда тadbиркорлик билан шугулланишни хоҳловчилар сони йилдан йилга оshиб бeрмоқда.

Президентимиз таъкидлаётганларики: «Аллоҳ то'ло ҳам, сендан ҳаракат — мендан баракат деган. Мен орзу қиламанки, ҳар бир одам, давлат

хусусий тadbиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланимоқда.

Ҳукуматимиз томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тadbирлар амалга оширилмоқда, уларни рўйхатга олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, энг муҳими, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича механизм амалда жорий этилди.

**• ЯРМАРКАЛАР**

**Ҳамкорлик самара бермоқда**

Сергели туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида тумандаги ишсизларга йўлланма бeриш қаторда бу ерга келганлар керакли саволларига тўлиқ жавоб, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар билан ҳам таъминланшиди.

Ярмарка туман ҳокимлиги ва туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими томонидан Сергели боғида ўтказилди.

— Биз тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан доимий мулоқотни йўлга қўйганмиз, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Умарбек Султонов. — Улар ҳар ойда ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида бизга маълумот бeрадилар. Аҳоли билан мунтазам иш олиб бeришимиз ўз самарасини бeрмоқда. Жорий йилда бўлимимизга мурожаат қилган фуқаролар 595 тани ташкил этиб, шулардан 514 нафари иш билан таъминланди. Айни кунларда 169 нафар ишсизлар мавжуд. Бугунги ярмаркада туманимизда фаолият юритаётган 25 та кичик ва ўрта корхоналар вакиллари қатнашмоқда. Шунингдек, тadbирда тумандаги иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ёшлар, маҳаллалар оқсоқоллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташки-

иштирок этган корхона вакиллари фақат бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бeрибгина қолмай, балки ўзларидаги иш шароитлари, имконият ва истиқболлари хусусида тушунтириб ўтишди. Ярмаркага 361 та бўш иш ўринлари ҳавола этилган бўлса, унда 455 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди. Шулардан 31 нафар ишсизларга йўлланмалар бeрилди.

Дарҳақиқат, тумандаги мавжуд 33 та маҳалла меҳнат бўлими билан яқин ҳамкор ва ҳамфириқликда иш олиб бeради. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳар бир маҳалла фуқаросини жуда яхши биладилар. Шу боис ҳам улар билан ҳамкорлик яхши самара бeради. Туман меҳнат бўлими шундан келиб чиққан ҳолда иш олиб бeрмоқда. Бу эса аҳолининг ишсиз қатламига бўш иш ўринларини топишда имконият яратади.

Тadbир натижалари ҳам шуни кўрсатмоқдаки, туманда меҳнат бўлими ишларига яқин ташкил этилиб, иш сўраб келган фуқароларга ҳаммаш бўлим эшиклари очик.

**Шахло ХОШИМОВА**  
СУРАТЛАРДА:  
бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида лавҳалар.

**Ҳакимжон Солиҳов** олган суратлар.



**• ТўЛОВЛАР**

Сувни бежизга оби-ҳаёт демаймиз. Чунки у — ҳаётимиз манбаи. Нафакат бир кун, балки бир неча соат ҳам сувсизликка чидаш амри маҳол.

**ЎЙЛАШ ФУРСАТИ ЕТДИ**

Лекин ҳамма ҳам ана шундай бебаҳо неъматнинг қадрига етaвeрмаймиз. Сувдан истаганимизча фойдаланамиз, ҳақини тўлашга кeлганда, негaдир турли баҳоналарни рўйхат қилиб пайсалга солаемиз. Билмаймизки, мана шу тоза ва шaффоф сувни етказиб бeриш учун қанча-қанча соҳа ходимлари туну кун меҳнат қилишади. Уни тозалаш учун кeтадиган маб-лаҳ хусусидаку йўлаб ҳам кўрмаймиз. Агарда бу хусусда озгина бeрса ҳам бoш қoтирганимизда уни авайлаб-аушати, тежаб-тегeраш ба-рoбаридa ишлатилган сув ҳақини ҳам вақтида тўлашга ҳаракат қилардик.

Бугун ана шундай тоза сувни ёқиб, пули чакайтган хонадон эгалари ҳақида сўз юри-тишни лозим топдик. Бундайлар эса шаҳри-мизнинг барча туманларида учраб турибди. Айниқса, Ҳамза туманида 1999-2002 йиллар учун сув ҳақини тўлашни ўйламаётганлар а-нчагина. Туманинг Мўйноқ кўчаси, 186-ўй а-гaси Ҳамидхўжаев 56586 сўм, 1-Байқўрғон тор кўчаси, 1-ўйдан Ҳаратов 54691 сўм, Чашма кўчаси, 3-ўйлақ, 12-ўйда яшовчи Қодиров 47833 сўм, Бойсун кўчаси, 107-ўйдан Йўлдо-шев 30195 сўм қарз бўлиб, уни тўлашни йўлаб кўришмапти.

Мирзо Улўбeк тумани, Мўсажонов кўчаси, 45-ўйдан Жўраевнинг 55686 сўм, Раминск кўча-си, 24-ўйдан Марюсенковнинг 37600 сўм, А-н-грен кўчаси, 52-ўйдан Ҳакимхўжаевнинг 33592 сўм, Булоқовчи кўчаси, 48-ўйдан Наҳимбeт-овнинг 32327 сўм қарзлари бор. Шунингдек, Яқкасарой туманидаги Тadbиркор кўчаси, 11-ўйда яшовчи Йўлдошев 51051 сўм, Жамбул кўчаси, 1-ўйлақ, 20-ўйдан Эрматов 41462 сўм, Сергели тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 23-ўйдан Азизов 57048 сўм, Дарё бўйи кўчаси, 4-ўйлақ, 7-ўйдан Саломчик ва шу кўчанинг 28-ўйда яшовчи Алимовларнинг 35 минг сўмдан зиёд, Собир Раҳимов тумани, Дадабeв кўчаси, 2-ўйлақ, 11-ўйдан Холиқова 39007 сўм, Сағбон кўчаси, 14-ўйлақ, 6-ўйдан Аҳмедов 34364 сўм, кўчанинг 15-ўйлаги 2-ўйдан Қодирова 30389 сўм тўловларни бажаришмапти.

Юқоридagi хонадон эгалари сувнинг на-қадар азизлигини, ичимлик суви эса катта машаққатлар вазивага етказиб бeрилишини бир ўйлаб кўришса, қўни-қўшни, маҳалла-қўйдан уялишса қарзларини ўз вақтида тўлашарди, деб ўйлаймиз. Ахир ичимлик сувини ҳалоллаб истеъмол қилганга нисбатан!

(Ўз муҳбиримиз)

## ЯХШИЛИК ВА ОДОБ ШУҒРИСИДА

Одамларнинг яхшиси — одамларга ман-  
фаатлироғидир.

(427-ҳадис)

Гар одобинг бўлса хуш,  
Кўлингга кўнадуру куш.

Фарзандларни дуо қилинг оталар,  
Сўнг номингиз жаннати деб аталар.

У ҳеч кимнинг дилин оғритмай ўтди,  
Аммо кўплар қадрига етмай ўтди...

Кимки кўчса ҳаққига,  
Хизматидур халқига.

Кимки нонин ҳалол ер,  
Чўчимай бемалол ер.

Меҳмон келса кул,  
Сийлаганинг шул.

Сақлаш устоз обрўсин,  
Сақламоқлик ўз-ўзин.

Гапимни эса олгин,  
Тупроқдан чиқар олтин.

Хар жиҳатдан бўлган бой,  
Юртига бергай чирой.

Халқингга эгсанг бўйин,  
Оқсаладур обрўйинг.

Хонадонда тотувлик —  
Бол тавмини тотулик.

Хунар калити машқда,  
Кўйилган зехн-у ишқда.

Хар кимсада идрок бўлса,  
Энг асосан ул пок бўлса.

Хамма сенга отса ҳамки тош,  
Пок бўлсанг-чи омон қолгай  
бош.

Хумо куш бошинга бир бор  
кўнадуру.

Покиза бўлсанг-чи тақдор кўнадуру.  
Хар жиҳатдан фозил одам.

Эл ишига ҳозир одам.

Хар одамнинг ўз чиройи бор,  
Уни очадиган феъл ила атвор.

Ҳақиқат чиққанда рўёбга,  
Елканг ҳам тегадур

офтобга.

Ичингда қолсин-ей, эшитган гапинг,  
Бу сенинг одобинг, бу сенинг нафинг.

Яхшилик ул туганмас қон,  
Олтинин ол топиб имкон.

Инсондаги дил — сийна,  
Ҳеч туганмас ҳазина.

Изламагил ҳадеб олтин,  
Бир бечора кўнглин олгин.

Иқтидор ул нима дегани?  
Кодир худо ато этгани.

Бир одамда ақл бор-у йўқ юрак,  
Иккови бўлганлар жуда кўп керак.

Жаҳлинг чиқса ўзингни бос,  
Донога хос.

Кўлинг ўрганмасин олишга,  
Оёгинг-чи, чалишга...

Сен унинг кўнглин кўтар,  
Сен томонга тез ўтар.

Ким харомдан қилгай ҳазар,  
Элда тоғгай яхши назар.

Кимки бўлса ифбатли,  
Сухбати ҳам сифатли.

Ким пок бўлса хар ишда  
Саналадир фаришта.

Кўтариб юрган бошинг  
Ул сенинг ўз қуёшинг.

Кимки бироз қийналадур,  
Иродаси саналадур.

Кимки ҳалол яшайди,  
Ўзига бахт ясайди.

Кўнглининг хушлангани —  
Бахт қушин ушлагани.

Ким ўқиса одоб мактабида,  
Билиниб турадир хар бир гапида.

Кўп билади кўпни кўрган,  
Ана ўшал зотдан ўрган.

Кўнгил нозигу шишадай тиник,  
Кўрмасин асло пайванд — у синик.

Кўп бўлса қай элнинг доноси,  
Топилгай дардига давоси.

Кечиримни қилмоқлик қабул —  
Тантиликка тантилиқдир ул.

Кимнинг қалби бўлса кенг,  
Нодон билан бўлмас тенг.

Кимки олдин қуонадуру,  
Кейин эса суонадуру.

Тушган жойга кўниккан келин,  
Ром этадир ул хонадон, элин.

Кимдир кимни шилгиси келар,  
Кимдир кўшни билгиси келар.

## ҚАБИҲЛИК, ЧАҚИМЧИЛИК ШУҒРИСИДА

«Одамлар орасини бузадиган чақимчи-  
ликдан сақлангилар».

(309-ҳадис)

Мақкор кияр юзига никоб,  
Ҳақиқатга беролмасдан тоб...

Лаби қулиб, қулмаса кўзи,  
Дили қора, ёлғондир сўзи.

Кўп даврда ялоқлар —  
Ялло қилган, ялло қилар.

Кимки қўлса зўравонлик,  
Бўлмагайман ул томонлик.

Ким оғзига берса эрк,  
Яхши эшик унга берк.

Ким доно юзига «доносан» деса,  
Хижолат чекади, чин доно эса.

Кўздан гоҳо тўкилса ёш,  
Гуноҳқордир аслида бош.

Мол-дунёни тўплаш, беркитиш  
Дейдилар: ярамас — ирkit иш.

Мақтовга берилган ожиздир,  
Ноўрин керилган ожиздир.

Нарирак юр қасофатдан,  
Айниқсанги очофатдан...

Назари пастандан  
Қочгил юқмасдан.

Нафсинг сенга жаврайди,  
Шу аллозда аврайди.

Олам ичра писк-у пасод —  
Қачон бўлгай экан қасод?

Очқўз тўйганми?  
Одатин қўйганми?

Қурол ясаб ғийбатдан,  
Кўпдир элни қийратган,

Қайси одам бўлса тажанг,  
Қайси одам бўлса тажанг,

## • ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

Пўлат Мўмин,  
Ўзбекистон халқ шоири

# ЮРАК ЗАВҚ-У ДАРДЛАРИМ АЙТАР БАЙТ-У ФАРДЛАРИМ

Роҳати йўқ, аҳволи танг.  
Қаер бўлса аёлсиз,  
Кўпаядур ҳаёсиз.

Қайси одам ичи оладир,  
Бу нуқсонни мангу қоладир.

Ёлғондан чиққан қулги,  
Пайдо бўлгандай тулки.

Ўзим бўламан деган —  
Оҳ, дунёда кўп экан.

Қотса ҳам эти,  
Қотмаса бети...

Қилган билан ликка-ликка  
Етолмайди улугликка.

Қабиллар қабих йўл топадуру,  
Авалло илдиздан чопадуру.

Қаранглар анави дағалга,  
Кўпларни ранжитар сағалга.

Қабиллар ўз айбин ўзага ортар,  
Яхшилар ўз дардин ўзлари тортар.

Қайси тил иғвога ўрганар эркан,  
Ахири бир қуни ўртанар эркан.

Қай юракка чўкса рашк,  
Йўқоладур завқ-у гашт.

Кўлини қилган паҳса,  
Шол бўлсин ўшал лаҳза.

Қилганлардан сени пичинг-киноя —  
Вақтида ўзингни қилгил ҳимоя.

Қабихлик яширин кезадуру,  
Доимо яхшини эзадуру.

Роса мактаб чапак чалишди,  
Охир обғидан олишди.

Ўз халқини қўйган иснодга,  
Ўшайди душманга — ётга.

Ўжар билан қайсар  
Иккови бир дардисар.

Талтайган бола  
Ўсадуру ола.

Умринг ўтгани бехуда  
Барибир ўтгандай қайғуда.

Рост гапнинг ичида ёлгон  
Билинадир мисоли ёлгон.

Турфа хилда бўлар ёвуз,  
Барчасида бўлмайди юз.

Учраб турли хусуматга  
Қолганлар кўп мушибатга.

Тузалиб кетар баъзи бир хаста,  
Тузалмасдан ўтар нокаста.

Унутса ким ўз она тилин,  
Миллатга санаманг аларнинг хилин.

Саёз бўлса агар дарё,  
Солаверар шовқин-ғавго.

Сўз ташувчи бошин қашиб турадуру,  
Шу аллозда сўзин ташиб турадуру,

Сўзинг ёқмаса болангга,  
Юрагинг олмасму алангга?

Ўзингкининг айби билинмас,  
Билинганда ҳам кўзга илинмас.

Тақдирланса аблаҳ-у ёмон,  
Инкирозга кетгани замон.

Виждон билан жигилдон  
Келишмаган ҳеч қачон.

Шубҳа ила гумон  
Кўпларни қилар гумдон.

## БЕАНДИШАЛИК ШУҒРИСИДА

«Кимки бу дунёда икки юзламачи бўлса,  
киёмат куни унинг оловдан икки тили  
бўладир»

(869-ҳадис)

Иғвогар бўлар ўта яшовчанг,  
Ҳаттоки ўлимга сола олур чанг.

Ишлатмасанг она тилингни,  
Бир қуни қон қилур дилингни...

Хар бир ташвишни ўзига олиш,  
Гўё барчадан орқанда қолиш.

Ким яхшини ёмон дейди,  
Ўз ичини ўзи ейди...

Гар ҳамроҳинг бўлса нодон  
Эшитгайсан нордон-нордон.

Битта бўлса-да нодон,  
Кўпга ўшайди хар он.

Қармоққа илинган лаққани  
Эслаймиз баднафси — лақмани.

Қай одам турқиди тилбўламадир,  
Хар ерда, хар қачон ялтоғланадир.

Яхши-ю ёмонни кўшидан сўра,  
Ким ҳам аниқ билар, хўш, кўшидан  
кўра?

Маслаҳат-у сўзга қирган  
Осонгина ошар қирдан.

Борида-чи ул нарсани сезмайдилар,  
Йўғида-чи, роса уни излайдилар.

Қилар ишингга тузганда режа,  
Энг биринчини қўйгин деб —

«тежа».

Билиб қўйинг ўзбошимчалик,  
Бошга бало бўлар шунчалик.

Кимки ўта ҳаволанса,  
Тузалмайдираволанса..

Пишганида дарахт меваси,  
Бирдан кўпаядир унинг эгаси.

Яхши дилин қилиб гашт,  
Қиладир гашт-жанжалкаш.

Қилиб қўйган гуноҳ-айб,  
Хавотирда юрар тўнтайиб.

Раҳм айланг дебон чекавериш оҳ,  
Аслини айтганда у ҳам бир гуноҳ.

Кераксиз дунё йиққан,  
Ўзини ўзи йиққан.

— Эй дустим, учраса ноғоҳ бетамиз,  
Нетамиз? — Яхшиси нари кетамиз.

Битириб берган мушкул ишингни,  
Бошингга кўтар ундай кишингни.

Бирлашганда ақл ва куч,  
Енгилдир нима келса дуч.

Хонадонда бўлса кекса,  
Иззат топар кимки келса.

Терлаганинг пешонаси,  
Тилло бўлар остонаси.

Фарзандига жонин берган,  
Ҳозирчалик Бобур эркан.

Ўз-ўзингга бўлсин қонданг:  
Тегсин кўпга манфаат-фойданг.

Ҳақиқатни гапириб ёмон —  
Кўринганлар, бўлсинлар омон.

Аҳил бўлса миллат агарда  
Чикар ундан доно, саркарда.

Деҳқон ерга эгилгай,  
Ундан ҳосил етилгай.

Ким завқ ила ишлаган,  
Жийрон мисол қишаган.

Тотмоқ ҳаётнинг гоҳо аччиғин,  
Ажойиб дарсдир, айтгай очигин.

Иш бўлмайди битмайдиған,  
Оздир тезда эплайдиган.

Умид қилсанг олтиндан  
Тайёрлангин олдиндан.

Камчилигин тан олмаган,  
Ул яхши деб танилмаган.

Кўп оғирдир, шарафлидир бўлмоқ буюк,  
Кам одамга насиб этар ноёб бу юк.

Раҳбар олса ўзини босиб,  
Қилган иш кўпга муносиб.

Кимки чикса сўзин устидан  
Нур ёғилиб турар хуснидан.

Чавандоз топодир отидан,  
Аслида отининг зотидан.

Бузилса гар қони ва зоти,  
Уча бошлар ўшанинг оти.

Қайси инсон гуллатмаса ўз юртини  
Йўқотадир миллийлиги ва бурдини.

Одамларнинг бўлар эркан хар хили  
Одоблиси эса улар сарҳили.

Бир қимсани ёмон йўлдан қайтариш,  
Энг савобли, энг ибратли, катта иш.

Ўз айбини олган тан  
Мард эрур ҳақиқатан.

Атроф кезсанг бўлгил оғоҳ,  
Ёмонликка бўлма гувоҳ.

Ногоҳ қўрсанг бирор жойда ёмон ҳолат,  
Ўзгаларга айтмасликка қилгил одат.

«Тошкент оқшоми»

ХУҚУҚИЙ  
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва  
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**2.5. Фуқарони турар жойдан  
фойдаланиш ҳуқуқини  
йўқотган деб топиш****69. Фуқарони турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини  
йўқотган деб топишда нима асос бўлади?**

Маълумки, доимий яшаётган фуқаро турар жойида вақтинча яшамаганида ёки бўлмаганида бу жой, **Уй-жой кодексида белгиланган қоидага** биноан, олти ой муддат мобайнида унинг ҳисобида сақланиб туради.

Фуқарони квартирадаги (уйдаги) турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш учун шу фуқаронинг мазкур турар жойида олти ойдан ортик муддат мобайнида узрли сабабларсиз бўлмаганлиги асос бўлади. Фуқарони турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш турар жой мулкдорининг ёки мулкдорларидан бирининг даъво аризасига биноан фақат суд тартибида амалга оширилади (**Уй-жой кодексининг 54-моддаси**).

Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисида даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқи жавобгар турар жойни ташлаб чиқиб кетган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейингина юзага келади.

**70. Фуқаро турар жойдан чиқиб кетишга мажбур бўлган қайси ҳолатлар узрли сабаблар сирасига қиради?**

Фуқарони турар жойида у билан бирга яшайдиган фуқаролар, шу жумладан мулкдор ўринсиз жанжаллар, турар жойдан фойдаланишга монелик қилиш таҳдиди ҳамда квартирадан кетказишга қаратилган бошқа ҳаракатлар билан турар жойни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилганлиги ва у кейинчалик умумий кириш эшигини очиб учун қалти йўқлиги ёки бу эшик қулфи ўзгартирилганлиги сабабли квартирага қайта олмаганлиги ва шу сингари ҳолатлар узрли сабабларга қиради.

Фуқаро ўзи учун ягона турар жой бўлган квартирани ўз хошига кўра эмас, балки мажбуран ташлаб чиқиб кетган бундай ҳолатларда квартирадан (уйдан) кетганлиги сабаблари тўғрисида тегишли ариза билан фуқаролар йиғинига, профилактика инспекторига мурожаат этади.

Бундай аризалар суд учун далил ҳисобланади.

**71. Фуқаро олти ойдан ортик вақт мобайнида бўлмаганида ҳам турар жой унинг ҳисобида сақланиши мумкинми?**

Фуқаро олти ойдан ортик вақт мобайнида бўлмаган тақдирда ҳам турар жой унинг ҳисобида сақланиши асослари қонунда назарда тутилган.

Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланишидаги бундай асосларнинг рўйхати **Уй-жой кодексининг 52-моддасида** келтирилган.

Мазкур рўйхатга кўра, вақтинча бўлмаганида фуқаронинг турар жойи, жумладан, қуйидаги ҳолатларда олти ойдан ортик муддат унинг ҳисобида сақланиб туради:

ҳарбий хизматга қақирилганда – қақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташининг бутун даври мобайнида;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирилганда – контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташининг бутун даври мобайнида;

иш шaroитлари ва хусусياتи бўйича (кема экипажи, геология, қидирув партияларининг, экспедицияларининг ходимлари ва ҳоказолар), хизмат сафари билан чет элда бўлиши ёки чет элда таълим олиши муносабати билан (студентлар, аспирантлар ва бошқалар) доимий яшаш жойидан вақтинча жўнаб кетилганда – ушбу ишни бажариш, хизмат сафарида бўлиш ёки таълим олишининг бутун даври мобайнида;

болалар тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомиёларга, васийларга топширилганда – улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомиёлар, васийлар қарамоғида бўладиган бутун давр мобайнида, агар болалар чиқиб кетган турар жойида оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса.

(Давоми бор)

Она табиатнинг таркибий қисми бўлмиш инсон ҳаётини ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсисиз тасаввур қилиш мумкин. Уз навбатда, атроф-муҳитга жонивор ва гўзаллик баҳишда этаётган гулзорлар ва боғу бўстонлар, жонзотлар ҳам инсоннинг бевосита иштирокига мослашиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Орнитолог олимларнинг айтишига қараганда, табиатда мингдан зиёд қушларнинг турлари мавжуд бўлиб, шундан 430 дан зиёди Ўзбекистонда ҳам тарқалган. Хўш улар қандай қушлар? Мана шу саволга жавоб тариқасида ва газетхонларимизни қушлар дунёси, уларнинг фойдали ва зарарли томонлари билан яқиндан таништириб бориш мақсадида янги «Қушлар оламида» рўкнини очишни лозим деб топдик. Қуйидаги дастлабки мақолаимиз республикаимизда, хусусан Тошкентда ҳам кенг тарқалган майна қуши ва унинг зарари ҳақидадир.

**МАЙНА ҚАНДАЙ ЖОНИВОР?****ёки кичкина қушчанинг келтираётган катта зарари ҳақида**

*Кўпчилигимиз турмуш ташвишларида ўралашиб, ҳар доим ҳам қушлар дунёси, уларнинг чуғурлашиши, ҳаракатларини кузатишга имконият топа олмаимиз. Лекин бу қушлар сайроғидан соатлаб завқланиш мумкинлигидан бохобармиз дегани эмас. Шу билан бирга, афсуски, улар орасида сайраши ёки бошқа бир ҳаракати оқибатида атроф-муҳитга катта ташвиш келтиришга мойиллари ҳам йўқ эмас. Бундай зараркундлар ўзига нисбатан анча кичкина ёки заифроқ бўлган қушлар инини бузиш, улар тухум ёки полапонларига зиён етказиш, экинзор, мевазорларни поймақ қилишга қодирдир. Агарда эслаб кўрсак, мактаб чоғида зоология дарсида табиий саралаш оқибатида ҳар бир шароитга мослашувчан жонзотлар устувор бўлиб қолиши, яшаш учун курашда ҳам энг зўравон ва қўчқилар ютиб қиқиши хусусидаги тушунчалардан воқиф бўлганмиз. Табиатнинг бундай қонунларини яхши билган ва тушунган олимларимиз ўтган асрнинг 70- йилларида атроф-муҳитга зарар етказиб ҳавф тугдираётган баъзи ҳашаротларни қуритиш мақсадида минтақамизга афюн майнаси қушларини киритаётиб, вақт ўтгач уларнинг ўзи зараркундага айланб қолиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган бўлсалар керак, албатта.*

*Майна ҳақида бежиз сўз бошлаганимиз йўқ. Бу қушларнинг келтираётган зарари адоқсиз бўлиб қолаётгани кўпчилики хавотирга солмоқда. Ҳаттоки шаҳар шароитида мевали дарактлар ҳосили майналарнинг асосий озуқасига айланб қолаётгани маълум. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бунинг олдини олиш имконияти бор, аммо... Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг директори ўринбосари, биология фанлари доктори Элмурод ШЕРНАЗАРОВ биз билан суҳбатда ана шулар хусусида тўхталиб ўтди.*

— Аввало майна қушига бироз таъриф бериб ўтсангиз.

— Майна ўтроқ бўлиб яшайдиган қушлар сирасига қиради. Уни яна чигиртка чуғурчуги ёки афгон чуғурчуги деб ҳам аташади. Аслида бу куш Ҳиндистон, Бирма, Покистон, Афғонистонда кенг тарқалган. Ўзбекистон жанубида 1910 йилда қайд этилган. Кейинчалик Афғонистон орқали табиий равишда жойлашиш оқибатида Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг антропоген, яъни инсон қадами етган барча худудларини ҳам эгаллаган. Бу ҳолат ҳозирда ҳам давом этмоқда. Чуғурчунинг бу тури устида орнитологлар ўз вақтида ҳар хил микёсда кўп изланишлар олиб боришган, шу жумладан унинг Ўзбекистонда жойлашиш худудлари юзасидан ҳам тадқиқотлар амалга оширилган. Биринчи бора майна Термизда учраган бўлса-да, аста-секин Шаҳрисабз, Қарши, Зарафшон водийсига, кейинчалик 40-йилларнинг охирида Самарқандга ҳам етиб келган. Ҳозирда майна бутун Ўрта Осиё республикаларини эгаллаган десак бўлади.

Унинг кўпайиб бориши тезлик билан давом этмоқда. Табиатнинг турли хил шароитига мослашиш қобилиятига эга бўлиб бу қуш тоғ, тоғ ён бағирлири, хаттоки Қизилқум томонига ҳам кириб борган.

Майна том таги, тешиқлар, бинолар, тарнов ва тугун қарнайлари, бетон устунлар орасида, зағизгон ташлаб кетган инларда жон сақлайди. Умуман олганда юқорида айтиб ўтилганидек инсон бор бўлган жойларда майна ҳозир нозирдир. Майнанинг озиклиши манзилларининг кўлами кенг — бу борада эҳтиёжини қондириш учун у дарё соҳиллари, экинзорлар, мевали дарактлар боғлари, узумзорлар, уй ҳайвонлари сақланадиган жойлар, шунингдек шаҳар қичқиндохоналари ни танлайди. Бундан ташқари вақти келса мусиқа, чумчүк, бошқа қушлар инини бузиб тухум ва полапонларни тановул қилишга ҳам

қодир. Майна йилига уч маротаба тухум кўяди, яъни бир жуфтлик бир йилда уч баробар кўпайиш имкониятига эга. Кўпайиш жараёнида қушлар ўта сезгир ва зийрак бўлади, уясига бирон-бир нарса ёки одам яқинлашадиган бўлса, майна қийқириб товуш чиқариб ташланиши ҳам мумкин.

Майналарнинг яшаш давомийлиги ўрғанилмаган, ташқи кўринишига қараганда бошқа қушлар каби тахминан беш йилгача умр кўради.

— Яхши маълумки, бу қушлар шунчаки ўзига турдош жонзотларга зарар келтираётгани йўқ...

— Ҳақиқатан шундай. Лекин бу борада бир томонлама фикр юритиш ҳам нотўғри бўлар эди. Аслида экинзорлар зараркундаси — чигирткалар сонини камайтириш мақсадида бир пайтлар 60-70-йиллар бошида бизнинг худудга Афғонистондан майналарнинг 200 донуси киритилган. Лекин бу ҳаракатнинг майна жойлашиш чегараларининг янада кенгайиб боришига унчалик аҳамияти катта бўлмаган, негаки ўша кезлардаёқ бу қуш Тошкентга ҳам етиб келганди.

— Дарҳақиқат, бу қушларнинг фойдасидан зарари анча кўп бўлмоқда. Улар сонини ёки тарқалишини қисқартириш имкониятлари ҳам борми?

— Бу қуш ҳақида кейинги йилларда ўрғанишлар олиб борилмаган. Уларнинг сони борасида ҳам аниқ маълумотлар йўқ.

Майнанинг атроф-муҳитга, деҳқонлар ҳосилига, меваларга зиён келтираётгани катта муаммога айланб бормоқда. Унинг самарали ечимини топиш учун илмий ёндошув даркор. Яъни дастлаб қушнинг ҳар бир ҳаракати юзасидан мутахассислар томонидан мўлжалланган дастурий тадқиқотлар ўтказилиши мақсада мувофиқдир... Ҳаракатларини келтирилган ва бирлаштирган ҳолда амалга оширадиган бўлсак, ҳар бир муаммони ҳал этиш мумкин бўлади.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** маълум бўлишича, боғларда, узумзор ҳўжаликларига майна қушлари хосилга зарар етказмоқда, шаҳар шароитида эса ақсарит мевали дарактлар, шу жумладан, гилос, анжир, хурмо каби дарактлар мевасининг кўп қисми афгон чуғурчуги томонидан қўйиб ташланаётгани маълум. Чичқинди жойларига ҳам мойил бу қуш инфекция тарқатувчи сифатида эпидемик вазият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш зарур. Бундай ташвишли ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида «Оқшом» газеталари мутахассислар, олимлар, турли соҳа вакиллари билан фикр-мулоҳазалар, тақлифлар кутиб қолади.

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

● Ёмонлик қилган кишидан ўч олиш кўдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириб эзгу хулқларининг кўркамроғидир.

● Бировдан ҳаё, уят кетса, ҳаё ўрнини бало олади.

● Ҳеч бир сабабсиз қулиш нодонлик аломатидир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож, яъни улуглик — адабга, шодлик — хотиржамликка, яқинлик — муҳаббатга ва ақл — тажрибага муҳтождир.

● Бир донишманд ўз ўзига насихат қилиб айтади:

— Икки нарсани мендан ол, сенга керак бўлади: биринчиси, нимани сўзламоқчи бўлсанг, ўйла-масдан сўзлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг тадбирсиз қилма.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Агар душманинг бирор иши тўғрисида сендан маслаҳат олмакчи бўлиб ёнингга келса, унга тўғри ва яхши маслаҳат бер. Ёмон маслаҳат бериб ундан ўч олишни асло кўнглингга келтирма. Унинг сендан насласхат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсонга лойиқ бўлган хайрироқлик шудир.

**Байт:**

**Кимки бўлса хуш чирою  
хушқилик,  
Доимо кўргай жаҳонда  
яхшилик.**

● Боболаримиз: «Бировга чоқ казисанг, ўзинг йиқиласан» деб бежиз айтмаганлар. Бировга ёмонлик қилган киши тезда жазосини кўради.

**ХИКОЯТ.** Қадим замонда ҳасадчи бир бой одамнинг камбағал, лекин ўзининг хулқ-атвори туфайли халқнинг ҳурматиغا сазовор бўлган қўшниси бор эди. Қўшнисининг халқ қошидаги иззат ва ҳурматини кўролмайдиган ҳасадчи нобакор бой у бечорани ўлдирмоқчи бўлди.

Бир куни халиги қўшни кишлоққа бормоқчи бўлиб отланган эди, ҳасадчи бой дарҳол ҳолва пиширтирди ва унга ўткир заҳар аралаштирди. Кейин иккита нон билан бирга камбағал қўшнисининг қўлига бериб айтди:

— Қўшни, кишлоққа бормоқчи бўлганингизни эшитдим, сизга раҳим келиб, дарҳол ҳолва пиширтирдим. Иккита нон билан бирга ҳолвани сизга келтирдим, йўлда қорнингиз очикқанда бир ерга ўтириб тановул қиларсиз.

Камбағал қўшни бойнинг келтирган ҳолва билан нонини олди. Қўшни ҳасадчи малъун бойга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушди. Ярим йўлга етганда сув бўйида ўтирган икки йигитни кўриб қолди. Бу йигитлар сув бўйида дам олиб ўтирган эдилар.

Камбағал қўшни улар ёнига келди. Йигитларнинг очикқанларини сезиб ҳолва билан иккита нонни уларга тақдим этди. Йигитлар ҳолвани едилару, дарров жон бердилар. Камбағал қўшни бу ҳолни кўриб, ҳайратда қолди. Қолган нон билан ҳолвани олиб орқага қайтди. Дарҳол шаҳар бошлиғига бериб ҳолва билан нонни берди ва бўлган воқеани баён қилди.

Шаҳар бошлиғининг буйруғи билан иккита йигитнинг жасадини келтирдилар. Кейин шаҳар бошлиғи ҳасадчи бойни чақиртириб унга ҳолва, нон ва икки йигитнинг жасадларини кўрсатди. Ҳасадчи бой йигитларнинг жасадларини кўргач, ёқсини йиртиб дод деб йиғлаб ўқилар устига ўзини ташлади. Бу йигитлар ўша нобакор, ҳасадчи бойнинг ўз ўғиллари эдилар. Шундай қилиб, бировга чуқур қазиган бой ўз чуқурига йиқилди.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«**POYTAHT AUKSION**» давлат унитар корхонаси 2003 йил 11, 18, 25 июль ва 1, 8, 15, 22, 29 август кунлари соат 11-00 да кимовши савдолари ўтказилади.

**Кимовши савдоларига қуйидаги ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқи ва автотранспорт воситалари қўйилган**

I. Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли «TOSHINVESTQURILSHBUTLASH» унитар корхонасининг енгил ва юк ташувчи транспорт воситалари қўйилади

№	Автотранспорт воситаси русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм
1	КАВЗ-3270	1988 й	1 230 000
2	ГАЗ-3102	1997 й	2 300 000
3	ГАЗ-53А	1982 й	874 000

II. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига қарашли РАФ русумли автотранспорт воситаси

1	РАФ-22035	1990 й	1 279 864
---	-----------	--------	-----------

III. «Ўзқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Литейщик» ширкатига қарашли трактор

1	«XIU TUO» кичик трактор	1992 й	6 790 800
---	-------------------------	--------	-----------

IV. Ер участкаси

1	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-5» мавзе,	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	ўлчами 0,04 га. бошланғич нархи- 4339800 сўм
---	---------------------------------------	---	---

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.  
Ариза ва гаров пуллари юқоридаги манзилда жойлашган «**POYTAHT AUKSION**» давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 11 июндан бошлаб қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-22-98.**

## ШОШИЛНЧ, КАТТА АУКЦИОН!

### Тошкент шаҳар ҳокимияти, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

савдо ташкилотчиси «**POYTAHT AUKSION**» давлат унитар корхонаси 2003 йил 11, 18, 25 июль ва 1, 8, 15, 22, 29 август кунлари соат 11-00 да кимовши савдоларини ўтказилади

**Кимовши савдоларида**

«Паркент бозори» очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳудудда жойлашган қуйидаги турғун савдо объектларини куриш ҳуқуқи сотилмоқда:

Курилишга мўлжалланган мажмуа тури	Ўлчами (кв.м.)	Бошланғич нархи, сўм
савдо объекти (дўкон)	3x3 (9 кв.м.)	2 000 000
савдо объекти (дўкон)	3x4 (12 кв.м.)	3 000 000
савдо объекти (дўкон)	6x6 (36 кв.м.)	3 500 000
савдо объекти (дўкон)	6x9 (54 кв.м.)	4 000 000
умумий овқатланиш		5 000 000
гўшт маҳсулотлари		1 000 000
сотил		
лок-бўёқ маҳсулотлари		2 000 000
сотил		

Савдоларга юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш кимовши савдоси бошланғичи бир кун қолганда соат 18-00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун хариддорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт.

Кимовши савдолари Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 а-уй, 201 хона.**  
**Телефон: 133-23-40**

«Агроистикболинвест» масъулияти чекланган жамиятининг Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан берилган айлана муҳри йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Акмал Икромов туман ҳокимлиги томонидан 2003 йил 17 февралда хусусий тадбиркор К. М. Маҳжумовага берилган ва 466 рақамда рўйхатдан ўтган чакана савдо фаолияти билан шуғулланган акка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлари ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича 2003/2004 ўқув йили учун абитуриентлар танловини**

**Эълон қилади**

Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича ўқиш мuddати 4 йил.

Институтга 2003/2004 ўқув йили учун 125 нафар тингловчи қабул қилинади.

Ўқиш даврида тингловчилар бепул махсус кийим-бош, ётоқхона ва озик-овқат билан таъминланади.

Тингловчиларнинг институтда ўқиш даври ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ мuddатларига киритилади.

Тингловчилар институти битиргач, божхона органларида хизмат қиладилар.

Танловда иштирок этиш шартлари қуйидагича:

— ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эга бўлган;

— ёши 17дан 23 гача бўлган;

— жисмонан соғлом бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади.

Ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар 2003 йилнинг 20 июнига қадар Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Кадрлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар:  
(3712) 120-76-72, 120-76-85**

**Манзил: Тошкент шаҳри, божхона бошқармаси.**

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жамағатлари туман ҳудудда жойлашган А. Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Фатхулла НУРМУХАМЕДОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**Спорт**

**«КУВНОҚ СТАРТЛАР»**

Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғида чаққон, эпчил, зукко, топкир болажонлар иштирокида «Кувноқ стартлар» деб номланган спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Шаҳримиз туманларидан ташриф буюрган спортни севувчи болажонлар иштирокида футбол, теннис, баскетбол, волейбол, енгил атлетика сирларини ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда боғ маъмурияти ҳамкорликларида ташкиллаштирилган ушбу кизиқарли беллашувлар келажагимиз ворисларининг жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишларида катта аҳамият касб этади. Хуллас, байрамона руҳда уюштирилган ушбу тадбир якунида болажонларга мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.



**ТАШАБУС СЎНМАСИН**

Келажагимиз ворисларининг баркамол шахс бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиб эканлиги кундек равшан. Шу боисми, давлат сиёсати даражасига кўтарилган спортни болажонлар ўртасида кенг оммавийлаштириш мақсадида маҳаллалару ўкув масканларида турли хил мусобақалар уюштирилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Пойтахтимизнинг Хамза туманидаги Муқимий номи маҳаллада куни кеча спортнинг учкураш, югуриш, сузиш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Муқимий маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида уюштирилган ушбу мусобақаларда маҳалланинг эпчил, чаққон ёшлари голиблик учун кураш олиб боришди. Байрамона руҳда, муросасиз кечган баҳслар якунида болажонларга эсдалик совғалари топширилди. Муҳими, эндиликда бу каби спорт мусобақаларини ҳар бир маҳаллада уюштириш лозимлиги мутасаддилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШАДИ**

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон велоспорт жамъасида велопойга бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 64 нафар спортчи голиблик учун кизгин кураш олиб боришди. Ушбу беллашувлар якунида ҳамшаҳримиз Алексей Смирновга тенг келадиган велопойгачи топилмади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу баҳсларда яхши натижаларга эришиб совринли ўринларни қўлга киритган велопойгачилар Ўзбекистон терма жамоаси таркибига Швейцарияда ўтадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

**БОҒЧА ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида боғчалараро футбол турнири ташкил этилди. Бир ой давомида ўтказилган турнирда 47 та болалар боғчалари жамоалари голибни аниқлаш учун ўзаро куч синашди. Мусобақалар давомида ҳаммаси бўлиб 328 нафар болажонлар майдонга тушди.

Болаларни қўллаб-қувватлаб, уларга далда бериб турувчи ота-оналар, бува-бувилар ва ҳомиёлар жажжиларининг кичик майдонда ғалаба учун кескин курашлар олиб борганликларининг гувоҳи бўлишди.

Куни кеча 71-болалар боғчасида турнирнинг ҳал қилувчи финал беллашуви бўлиб ўтди. Унда тумандаги 27 ва 71-боғчалар жамоалари голибни аниқлаш учун ўзаро кураш олиб боришди. Деярли тенг курашлар остида ўтган кизиқарли беллашувда 2:1 ҳисобида 27-боғча жамоаси голиб чиқди.

Кичик байрамга айлиниб кетган финал ўйини иштирокчилари Фаҳрий ёрликлар, ташкилотчи ва ҳомиёлар томонидан ажратилган

совғалар билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабгача ёшдаги болаларнинг спортга фаол жалб қилиш ишлари туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг доимий диққат-эътиборидадир. Ўтган ўкув йилида Шайхонтоҳур туманидаги боғчаларда тарбияланаётган 6 нафар бола футбол мактабларига кириб ҳозирги кунда спорт билан шугулланишни давом эттираётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Демак, заҳматкаш тарбиячи-педагогларнинг меҳнатлари зое кетмапти.

(Ўз мухбиримиз).

**СУРАТЛАРДА: мусобақа голиби — 27-болалар боғчаси жамоаси; финал ўйинидан лавҳа.**

**«01» Ёнгинларнинг олдини олайлик**

Юнусобод туманида 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида 59 та ёнгин содир бўлди. Ёнгин натижасида кўрилган моддий зарар 295700 сўмни ташкил этди. Ёнгинлар натижасида 1 киши ҳаётдан кўз юмди. Юқорида кўрсатилган 59 та ёнгиндан 10 таси очик майдонларда ахлат ёқиш оқиба-тида келиб чиқди.

Ёнгинларни ва уларда инсонларнинг халок бўлишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги қондаларга риоя қилиш жоиздир:

— турар жой ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудида куруқ ўт, ахлат ёқиш ва очик оловдан фойдаланишга йўл қўйманг;

— ҳудудни бирмалчи кимёвий ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланг;

— турар жой ва ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиш йўлларининг ҳар хил ёнувчи маҳсулот ёки ахлатлар билан тўсилиб қолишига йўл қўйманг;

— ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирманг. Уларни гугурт ёки тез аланга олувчи жиҳозларни ўйнашларига йўл қўйманг;

— бўғот, том остида ҳар хил ўтин, куруқ ашак ва ҳар хил тез алангаланувчи жиҳозларни сақлашга йўл қўйманг;

— махсус рухсатсиз қўшимча хона, гараж ва бошқа қурилишлар қилиш тақиқланади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Биз катталар хонадонимизда ва ишонамизда ёнгин қонун-қоидаларига риоя қилсак, ўзимизни ва фарзандларимизни, уй-рўзгор анжомларини, давлат мол-мулкни «ўт балосидан» асраб қоламиз.

Агарда ёнгин содир бўлган тақдирда телефон орқали «01»га хабар бериб, манзилгоҳни тўлиқ айтишни унутманг.

**Фурқат ТУРСУНОВ,**  
**Юнусобод туман ёнгин хавфсизлиги бўлими ноизири.**

**Қаҳ-қаҳа**

Маҳалла қўмитасининг раиси кўчада Қаюм аскияни учратиб маслаҳат сўрабди:

— Агар гийбатчилар танлови ўтказилса, маҳалладаги Шукур бемаҳалнинг биринчи ўринчи олишига сира шубҳам йўқ — у софдил, покиза, ҳалол одамлар устидан гийбат, бўҳтон қилиб, мағзава ағдариб, кўпчиликни тинқасини курутуб юборди. Шикоят хатлари бўйича ўтказилган суҳбатларим қор қилмади. Оқсоқол кўпни кўрган одамсиз, халқ ичига юрасиз, бир маслаҳат беринг, нимча қилсам бўлади?

— У одам қора курсига ўтириб келса ҳам эс битмайди. Унинг башариси ҳам, кўнгли ҳам, нияти ҳам, қилган ишлари ҳам қоп-қора.

— Унинг бирон бир оқ томони борми ўзи?

— Бор!  
— Наҳотки! Қандай?  
— У — оқпадар! ...

Академик бастакор Юнус Ражабий устоз кизикчи Абулқосим Тўйчиев билан учрашиб қолиб, ундан сўради:

— Отанг раҳматли Мулла Тўйчи Тошмухамедовнинг тақиб юрадиган бир чиройли кўзойнаги бор эди, шуни менга эсдалик сифатида берсанг.

— Мулла Тўйчи ака тилла суви юритилган бу кўзойнакни у ёққа ўзлари тақиб кетганлар.

Трамвай бекатида Фозилжон Султоновни учратиб қолган синфдош дўсти ундан гина қила бошлади:

— Бош шифокор бўлдим деб жуда бурнинг кўтарилиб кетибдими, ўтган куни кўчанинг нариги бетидан индамай ўтдинг?

— Биласанки, кўчада аланглаб юриш одатим йўқ, сени кўрмаган бўлсам узор.

— Хуштак чалсам ҳам қарамадинг-ку?

— Хуштак кулогимни диккайтириб қарашим учун биласанми қанақа ҳайвон бўлишим керак?

**Одил Ҳасанов тайёрлади.**



— Сизни узиб қўйганимга ўн минутдан ошдику, ойим тинмай гапириб ётпти-я.  
**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзиллари: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
ҳафтала — 133-29-70;  
ўзбекистонда:  
133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳақми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.  
5952 нусхада босилди. Қўғоқ биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўзғатга чиқади

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабўғи»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишниши мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашриёт-маънавий ақшадорлик компанияси бошқаровисига.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.